

ИСАКДЖАНОВ Рамзиддин

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси доценти в. б.,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

МУСУЛМОН ДУНЁСИДА ФАЛСАФАНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

STUDYING PHILOSOPHY IN THE MUSLIM WORLD

ИЗУЧЕНИЕ ФИЛОСОФИИ В МУСУЛЬМАНСКОМ МИРЕ

Аннотация: Илк ўрта асрларда Бағдодда “Байт ул-ҳикма”га асос солиниши мусулмон дунёсида табиий фанларни ривожланишига замин тайёрлади. Мазкур фанларни ривож қилишга турли ақидавий мактаб ва мазҳаб таълимотларига таъсир кўрсатди, Мўтазила, ашъария, мотуридия ақидавий мактабларидан фарқли равишда юнон фалсафасига асосланган Киндий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд каби алломаларнинг фалсафий мактаблари вужудга келди ва уларнинг фаолияти кейинги даврларда Европа тафаккурига катта таъсир кўрсатди.

Калим сўзлар: Мусулмон ренессанси, Байт ул-ҳикма, Илоҳиёт, метафизика, Аш-Шифо, оламнинг азалийлиги масаласи, Ан-Нажот, Вожиб ал-Вужуд, рубубият.

Annotation: The founding of Bait ul Hikma in Baghdad in the early Middle Ages paved the way for the development of the natural sciences in the Muslim world. Naturally, philosophical science also entered in parallel with the natural sciences. In contrast to the dogmatic schools of Mutazili, Asharia, Maturidiyya, the philosophical schools of such scientists as Kindi, Farabi, Ibn Sina, Ibn Rushd, based on Greek philosophy, arose and their work had a great influence on European thought in later times.

Keywords: Muslim renaissance, bay ul-hikma, theology, metaphysics, ash-shifa, the question of the eternity of the world, an-najat, wajib al-wujud, rububiyat.

Аннотация: Основание «Байт ул Хикма» в Багдаде в раннем средневековье проложило путь для развития естественных наук в мусульманском мире. Позднее эти науки повлияли на учения различных догматических школ и мазхабов. В отличие от

догматических школ мутазилия, ашария, матуридия возникли философские школы таких ученых, как Кинди, Фараби, Ибн Сина, Ибн Рушд, основанные на греческой философии, и их работа оказала большое влияние на европейскую мысль в более поздние времена.

Ключевые слова: Мусульманское возрождение, байт ул-хикма, богословие, метафизика, аш-шифа, вопрос о вечности мира, ан-наджат, ваджиб ал-вуджуд, рубубият.

КИРИШ

«Байт ул-ҳикма» тадқиқотчилар эътиборини доимо ўзига тортиб келган. Шу боис мазкур илмий марказга алоқадор масалаларни ўрганиш борасида ҳам Ғарб, ҳам Шарқ мутахассислари қатор изланишларни амалга оширганлар. «Байт ул-ҳикма» ва Боғдодда фаолият кўрсатган йирик алломалар: Жобир ибн Ҳайён, Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Бакр ар-Розий, Абу Наср ал-Форобий, ва бошқаларнинг ҳаёти ҳамда илмий мерослари машҳур даҳолар сифатида алоҳида ўрганилган. Шунга ўхшаш манзарани биз IX-XI асрлар мусулмон Шарқида ривожланган илмлар, хусусан, фалсафа, фалакиёт, риёзиёт, табобат ва бошқа фанлар мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Зеро, мазкур фанларнинг ўша даврдаги тараққиёти ҳам маълум маънода тадқиқотчиларнинг нигоҳидан четда қолмаган, бошқача айтганда, бу мавзуга бирор олимнинг ижоди муносабати билан мурожаат этилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «Байт ул-ҳикма»ни бутунлигича тадқиқ этиш, ўз даври учун бу мактабнинг ўрни ва аҳамияти, шунингдек, халифа ал-Маъмуннинг таржимаи ҳоли, «Байт ул-ҳикма»да таржима фаолияти ва илмлар ривожини, ҳамда у йерда ижод этган алломалар мероси каби масалалар ҳозирга қадар ҳам йетарли даражада ўрганилмаган. Қуйида Шарқ халқлари тарихи, фани ва маданияти билан шуғулланган баъзи ҳорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг асарларини келтирамиз.

Швейцариялик шарқшунос Адам Мец ўзининг «Мусулмон ренессанси» асари билан мутахассисларга яхши таниш. Мазкур асар IX-X асрларда мусулмон Шарқида юз берган маданий ривожланишнинг тарихига

бағишланган ва умуман у IX - X асрлардаги Шарқ фани ва маданиятини ёритувчи ноёб комус ҳисобланади. Унда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари: бошқарув, молия, қонунлар, солшугар, шаҳар ҳаёти, сарой ва у ердаги аъёнлар, ҳунармандчилик, савдо-сотик каби масалалар билан бир қаторда илмий ва маданий ҳаёт, дин, уламолар, адиблар, шеърят, наср, филология ва бошқа мавзулар изчил ёритилади. Асарда муаллиф кўзлаган асосий ғоя IX-X асрларнинг мусулмон Шарқидаги уйғониш (ренессанс) даври эканини кўрсатишга интилиш дейиш мумкин; шунинг учун ҳам у ўз асарини «Мусулмон ренессанси» деб атайдди. Муаллифинг таъкидлашича, Европадаги ренессанс ҳамда мусулмон мамлакатларидаги юксалишнинг умумий илдизи, юнон фани ютуқларининг қайта тикланиши бўлган [1:63]. Д. Мецнинг китоби Шарқ халқлари ижтимоий ҳаётнинг деярли барча қирраларини тарихий манбалар асосида ёритиб берувчи муҳим фундаментал тадқиқот ҳисобланади. Ўрта аср Шарқ халқлари маданиятини ўрганишда австралиялик Густав фон Грюнебаумнинг хизматлари ҳам таҳсинга лойиқ. Унинг 1970 йили Лондонда нашр этилган «Классик ислом» китобида Шарқ халқлари тарихи ва маданиятига доир муҳим маълумотлар акс этган. Муаллиф қаламига мансуб «Замоनावий ислом: маданий ўзлиқни англаш бўйича тадқиқотлар» ҳамда унинг раҳбарлиги ва бевосита иштироки натижасида юзага чиққан тўпламлардан «Мусулмон цивилизациясида умумийлик ва ҳар хиллик» лар ҳам муҳим аҳамиятга молик. Америкалик машҳур фан тарихчиси Жорж Сартоннинг «Фан тарихига кириш» номли фундаментал иши қимматли маълумотларни ўзида мужассам этгани барча мутахассисларга маълум. Асарда ўрта аср фани ривожига ўз ҳиссасини қўшган кўпгина олимлар ва таржимонлар ижодига кенг ўрин берилган. Макс Мейерхофнинг «Фан ва табобат» номли мақоласида ўрта аср Шарқ халқлари фани ва табобати ҳақида чуқур мулоҳазалар юритилади. Шунингдек, эронлик Саййид Насрнинг «Мусулмон фани ва цивилизацияси» китобида ҳам мусулмон халқлари маданий тараққиётининг долзарб масалаларига тўхтаб ўтилади. Яна бир инглиз олими Доналд Хилл IX аср пойтахт Боғдодда фан ва техникада юз берган муҳим жараёнларни таҳлил қилса, италиялик

шарқшунос Карло Наллино ўзининг ўрта аср фалакиёт илми тарихига бағишлаб Қоҳира университетидида ўқиган маърузаларида «Байт ал-ҳикма» ва унда фаолият олиб борган астрономларни эслаб ўтади. Сўнгги йилларда яратилган «Аббосийлар давридаги араб адабиёти, дини, таълими ва фанининг Кембриж тарихи» ва айниқса, «Араб фанлари тарихи бўйича энциклопедия» китобларини муҳим тадқиқотлар сирасига киритиш мумкин. Уларда Шарқ халқлари ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари, хусусан, Аббосийлар давридаги фан ва маданият тарихига оид энг муҳим масалалар ўз йечимини топган. Умуман олганда, IX-XII аср фани ва маданиятини ўрганишда А. Браун, Ф. Вюстенфелд, Д. Кремер, О. Сайили, Г. Жле Стренж, Д. Сурдел, Р. Морелон, Ж. Салиба, Д. Кинг, Э. Кеннеди, Г. Худоннард Роше, Р. Рашед, Мария Тереза Дебархот, Доналд Хилл, Ж. Анавати, Э. Саваж-Смит, Ф. Мише, Махдий Мухсин каби ҳориж олимларининг асарлари, сўзсиз, асос вазифасини ўтайди. Россиялик шарқшунослар орасида эса Шарқ халқларининг ўша даврдаги сиёсий, иқтисодий ва илмий-маданий ҳаётидаги юксалиш билан боғлиқ масалалар, асосан, В.В. Бартолд, О.Г. Болшаков, Б.А. Розенфелд, И.Ю. Крачковский, Е.Э. Бертелс, А.Б. Халидов, А.П. Юшкевичларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Айни мавзуга оид араб тилидаги изланишлар орасида Журжи Зайдоннинг «Ислом цивилизацияси тарихи», Ҳасан Иброҳим Ҳасаннинг 4 жилддан иборат «Исломнинг сиёсий, диний, маданий ва ижтимоий тарихи», Сайд ад-Диужийнинг «Байт ал-ҳикма», Аҳмад Фарид ар-Рифайининг «Ал-Маъмун даври», Сайд аш-Шаххат Заглулнинг «Сурёнийлар ва мусулмон маданияти», Кадрий Ҳафиз Таканнинг «Риёзиёт ва фалакиётга доир араб илмий мероси», Абд ал-Мунъим Можиднинг «Мусулмон цивилизациясининг ўрта асрлардаги тарихи», Муҳаммад Абд ар-Раҳмон Марҳабаннинг «Араб фани тарихи бўйича тўплам» ва Хидр Аҳмад Атоуллохнинг «Аббосийлар даврида «Байт ул-ҳикма» китобларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур [2:11]. Швейцариялик машҳур олим Генрих Зутернинг «Араб математиклари ва астрономлари ҳамда уларнинг асарлари» номли китоби барчага таниш. Унда 750 йилдан 1600 йилгача яшаб ўтган 528 нафар мусулмон математик ва астрономларининг қисқача ҳаёти,

асарлари ва баъзиларининг қўлёзмалари сақланган макон ҳақида маълумотлар берилади. Мазкур асар, кейинчалик бошқа муаллифлар тарафидан унинг ўз услубига хос равишда тўлдирилганига қарамасдан, ҳозирги кунда ҳам Шарқ риёзиёти ва фалакиёти бобида муҳим манба ҳисобланади. 1932 йили франциялик фан тарихчиси Ж. Рено «Зутернинг араб математик ва астрономлари китобига қўшимча ва тузатишлар» рисоласини нашр этади. У ўз қўшимчаларини Марокашнинг пойтахти Рабат шаҳрида сақланган қўлёзмалар асосида тузган бўлса, германиялик Макс Краузе айтиш билан хилдаги тадқиқотини 1936 йили якунлайди ва уни «Истанбулдаги мусулмон математикасига дойир қўлёзмалар» деб номлайди. 1898-1942 йиллар мобайнида машҳур немис олими Карл Броккелман «Араб адабиёти тарихи» деб аталган фундаментал асарини ёзди. У ҳозирда Шарқ мамлакатлари тарихи билан шуғулланувчи барча тадқиқотчиларнинг том маънодаги доимий ва ишончли қўлланмасига айланган. Муаллиф «Араб адабиёти тарихи» номи остида жоҳилият давридан бошлаб, Аббосийлар ҳукмронлигининг охиригача йилларига қадар бўлган ижтимоий ва маданий ҳаётнинг деярли барча соҳаларини умумлаштиради. Албатта, К. Броккелманнинг бу биографияси ҳақида кўп ижобий фикрларни айтиш мумкин, бироқ уни қисқача ўша даврдаги барча мавзулар, шахслар ва китоблар тўғрисидаги энг ноёб ва ишончли қўлланма (энциклопедия) деб баҳолаш ўринли. К. Броккелман вафотидан сўнг, янги маълум бўлган алломалар ва уларнинг рисоалари ҳақидаги қимматли маълумотларни турк олими Ф.Сезгиннинг «Араб мероси тарихи» китобидан топиш мумкин. Шунингдек, германиялик яна бир олим М. Улманнинг асарларисиз Шарқ табобати ва фармакологияси тарихини ўрганишни тасаввур этиб бўлмайди. Айтиш пайтда Г.П. Матвиевская ва Б.А. Розенфелдларнинг 1983 йилда нашр этилган фундаментал тадқиқоти, ўша давр тарихига оид био-библиографик асарлар силсиласини кенг қўламдаги маълумотлар билан бойитгани билан ажралиб туради. Ўрта аср мусулмон маданиятига оид йирик библиографик асарлардан саналмиш Ибн ал-Усайбианинг (1200-1270) «Табибларнинг тоифалари ҳақида асосий маълумотлар» (Буюн ал-анба фи табақат ал-атибба) китоби нафақат табиблар,

балки «Байт ал-ҳикма»даги бошқа олимларнинг ижоди ва илмий меросини тадқиқ этишда ҳам муҳим манбадир [3:11]. Ибн ал-Усайби ҳам аввалги икки муаллиф сингари «Байт ал-ҳикма»нинг ўзи, у ердаги алломалар ва таржимонлар ҳақида ўзининг муҳим мулоҳазаларини беради. У хусусан, Абу Бакр ар-Розий, Абу Наср Форобий, Абул-Хайр ибн Ҳаммор каби пойтахт – Бағдодда ижод этган олимлар ҳақида қизиқарли хабарларни тўплаган. «Байт ал-ҳикма» ўрта аср мусулмон Шарқидаги илк энг машҳур илмий мактаб бўлганлиги сабабли унга ўша ва кейинги давр муаллифларининг деярли барчаси мурожаат қилган. Шубҳасиз, улар сирасига, энг аввало, Ибн ан-Надимнинг (ваф. 993 й.) «ал-Фихрист» асарини киритиш керак бўлади. Бу асар муаллифнинг «Байт ал-ҳикма» жойлашган шаҳар – Бағдодда ижод этгани, шунинг баробарида вақт жиҳатидан ҳам унга яқин бўлган даврда яратилганлиги билан ниҳоятда муҳим. Бунинг устига Ибн ан-Надим ўз китобининг химярий ёзувида бағишланган қисмида, «Байт ал-ҳикма»да химярий тилидан таржима қилинган бир китоб парчаларини ўз кўзи билан кўргани ва халифа ал-Маъмун таржимонларга ундан нусха олишга фармон берганини таъкидлайди. Шунингдек, у шариатга оид асарлар ҳақида сўз юритар экан, ал-Маъмуннинг «Ҳизанат ал-ҳикма»сидагига ўхшаш қадимий нусхадаги бир китобни ўқиганини ҳам эслайди. Юқоридагиларга асосланиб, Ибн ан-Надим «Байт ал-ҳикма»даги нодир китоблардан шахсан фойдаланган, дейиш мумкин. Бинобарин, унинг асари «ал-Фихрист», «Байт ал-ҳикма» ҳақидаги энг муҳим ва ишончли манба ҳисобланади. Ибн ан-Надимнинг китоби ўн бобдан иборат бўлиб, ўрта аср Шарқ халқларининг фани ва маданиятига оид нодир маълумотларга бой. Жумладан, китобда «Байт ал-ҳикма» ҳақида, унинг таркибидаги олимлар, таржимонларининг ижоди ҳамда фаолияти, яратган илмий асарлари ва ўзаро илмий мунозаралари қизиқарли тавсиф этилган. Яна бир асар - Ибн ал-Кифтийнинг (1172-1248) «Олимларни ҳакимлар ҳақида маълумотлар билан таништириш» («Ихбар ал-ъуламаъ би ахбар ал-хуламаъ») асари ҳам «Байт ал-ҳикма»даги олимлар ва уларнинг меросини ўрганишда муҳим манба саналади. У қисқача шаклда «Ҳакимлар тарихи» деб ҳам юритилади.

Асар қадим замонлардан муаллиф даврига қадар яшаган файласуф, табиб, фалакиётчи, риёзиётчи, тилшунос, таржимонлар ва бошқа тоифадаги олимларнинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни қамраб олган муҳим биографик қомус (энциклопедия)дир. Муаллиф маълумотида кўра, Ҳорун ар-Рашид даврида «Байт ал-ҳикма» кутубхонасида, таржима қилиш, муқовалаш ва бошқа вазифаларини адо этувчи гуруҳлардан иборат бўлган. Бундан ташқари асарда халифалар: ал-Мансур (754-775), Ҳорун ар-Рашид (786-809) ва ал-Маъмун (813-833) ларнинг нодир китобларни танлаш ва уларни «Байт ал-ҳикма»да жамлаш мақсадида кўшни давлатларга уюштирган илмий экспедициялари ҳақида ҳам сўз юритилади. Ўрта аср мусулмон маданиятига оид йирик библиографик асарлардан саналмиш Ибн ал-Усайбианинг (1200-1270) «Табибларнинг тоифалари ҳақида асосий маълумотлар» (Буён ал-анба фи табақат ал-атибба) китоби нафақат табиблар, балки «Байт ал-ҳикма»даги бошқа олимларнинг ижоди ва илмий меросини тадқиқ этишда ҳам муҳим манбадир. Ибн ал-Усайба ҳам аввалги икки муаллиф сингари «Байт ал-ҳикма»нинг ўзи, у ердаги алломалар ва таржимонлар ҳақида ўзининг муҳим мулоҳазаларини беради. У хусусан, Абу Бакр ар-Розий, Абу Наср Форобий, Абул-Хайр ибн Ҳаммор каби пойтахт – Бағдодда ижод этган олимлар ҳақида қизиқарли хабарларни тўплаган [3:12]. Ўрта асрларнинг таниқли муаллифларидан Ёкут ал-Ҳамавийнинг (1178-1229) «Адиблар қомуси» («Муъжам ал-удабъ»), Ибн Халлиқаннинг (1211-1286) «Машҳур кишиларнинг вафоти ва замондошлар ҳақида маълумотлар» («Китаб вафаят ал-аъян ва анбаъ абнаъ аз-заман»), Захир ад-Дин ал-Байҳақийнинг (1106-1169) «Ҳикматлар ҳазинасига қўшимчалар» («Татимма сиван ал-ҳикма») китоблари ҳам «Байт ал-ҳикма»даги олимлар ва таржимонлар фаолияти билан боғлиқ нодир маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Юқорида келтирганимиз, Ёкут ал-Ҳамавий ўзининг географияга оид бошқа бир асари - «Мамлакатлар қомуси» («Муъжам ал-булдан») да Бағдод шаҳрини таърифлар экан, у ердаги кўплаб мадрасалар, китоб дўконлари, бозорлар ва бошқа турли-туман иншоотларни санаб ўтади ҳамда шаҳарда истиқомат қилган кўплаб олимларнинг

исмларини тилга олади. Ибн Халлиқаннинг асарида эса кўпгина алломалар қаторида Муҳаммад ал-Хоразмий ва Мусо ибн Шокирнинг уч ўгли - Муҳаммад, Аҳмад ва ал-Хасанларнинг фаолияти ёритилади. Захир ад-Дин ал-Байҳақийнинг «Ҳикматлар ҳазинасига қўшимчалар» китобида 110 нафар олим биографиясига тааллуқли энг нодир маълумотлар жамланган. Шунингдек, Сурён маданиятининг йирик намояндаси Юҳанна ибн Ибрий (Бар Эбрей, 1226-1286)нинг «Давлатларнинг қисқа тарихи» («Тарих мухтасар ад-дувал»)номли асарида Сурён-Рум маданияти билан бир қаторда, ал-Маъмун даври мусулмон фани ва маданияти масалаларига ҳам катта ўрин ажратилган. Ўрта аср Шарқ халқлари маданияти тарихини ўрганишда, шубҳасиз, машҳур тарихчи Ибн Халдун (1332—1406)нинг ўз ўрни бор. У «ал-Муқаддима» асарида Уммавий ва Аббосийлар ҳукмронлиги давридаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг эътиборга молик томонларини таҳлил қилади. Жумладан, Шарқ халқлари фани ва маданияти тараққиётининг баъзи омиллари ҳақида батафсил тўхталар экан, энг қизиги, мусулмон олимларининг аксари насл-насабига кўра араб эмас эдилар, деб таъкидлаб ўтади.

Ҳорун ар-Рашид ва ал-Маъмуннинг ҳукмронлик йилларида халифаликда кечган сиёсий, ҳарбий ва бошқа тарихий воқеалар ҳамда расадхона, кутубхона, шифохона ва мадрасалар каби илмий-маърифий иншоотларнинг бунёд этилиши Абу Жаъфар Муҳаммад ат-Табарий (839-923)нинг «Пайғамбарлар ва шохлар тарихи» китобида ўз ифодасини топган. Бироқ асар мазмунан тарихий воқеаларнинг баёнига бағишлангани боис, унда аллома-лар ва илмлар ҳақида маълумотлар учрамайди [3:59].

Ал-Мансур, Ҳорун ар-Рашид, ал-Маъмун каби Аббосий халифалар қадимий қўлёзма асарлар ва йирик олимларни ўз саройларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда, бу борада мислсиз жонбозлик ҳам кўрсатдилар. Натижада Бағдод тез орада бутун халифаликда илмий фаолият юритиш учун катта имкони-ятларга эга бўлган қулай шаҳарга айланди. Бу эса ўз навбатида, олимларнинг ўша йерда ижод қилиш иштиёрини ошириб юборди. Саройда қўлёзма асарларни шарҳлаш одати уммавийлар сулоласи даврида ҳам мавжуд бўлсада, бу иш аббосий халифалардан

ал-Мансур даврида доимий жараёнга айланди, сифат ва миқдор жиҳати ҳам тубдан ўзгарди. Ал-Мансур нодир қўлёзма асарларни тўплашдан ташқари, ўзга юртлардаги олимларни ҳам ўз саройига жалб эта бошлади. Унинг саройида Гундишопур мактабидан таклиф этилган турли диний этиқодда бўлган кўпгина олимлар, табиблар, кимёгарлар, географлар ва муҳандислар хизмат қилган. Улар орасида Бағдод шахрининг қурилишида иштирок этган астрологлар - эронлик ан-Навбахт (ваф. 777 й.) ва басралик яҳудий Менассиялар (ваф. тах. 815 й.) ҳам бор эди. Мусулмонлар орасида «Машаллах» номи билан танилган Менассия, ал-Мансур, Ҳорун ар-Рашид, ал-Амин ва ал-Маъмунлар даврида энг машҳур астрологлардан бири эди. Ал-Мансур саройида Гундишопур мактабидан Бағдодга таклиф этилган қатор табиблар ҳам фаолият кўрсатган. Улар ичида Бахтияшу оиласига мансуб бир қанча христиан табиблари бўлиб, уларнинг энг йирик намояндаси бўлмиш Жибрил ибн Бахтияшу, халифа ал-Мансур учун табобатга оид кўпгина асарларни юнон тилидан араб тилига таржима қилади. Жибрил ибн Бахтияшу унинг ўзи ва бу оиланинг ўндан ортиқ бошқа табиблари Бағдод шаҳрида узок йиллар давомида табиблик фаолияти билан машғул бўлганлар.

Ал-Маъмун «Байт ал-ҳикма»га алоҳида эътибор билан қаради. Натижада унинг даврида (813-833) «Байт ал-ҳикма»даги илмий муҳит мисли қўрилмаган даражада ривожланиб, у ерда юнон, форс ва хинд тилларидаги муҳим китоблари араб тилига ўгириш, шарҳлаш билан бир қаторда, мустақил илмий фаолият ҳам олиб борилиб, янги асарлар ёзилди. Ал-Маъмун диний илмлар, фалсафа, аниқ фанлар билан қизиққан ва ўзи ҳам улар билан мунтазам шуғулланган. Шунингдек, у таржимонлар ва олимларга ҳар бир ёзган ёхуд таржима қилган китоблари учун катта мукофотлар тайинлаган. Ал-Маъмуннинг бевосита ҳомийлиги остида Юнонистон, Хиндистон, Рум, Эрон ва Марвдан «Байт ал-ҳикма»га катта миқдорда турли мавзудаги китоблар келиб тушган. Уларнинг баъзилари эса ҳарбий юришлардаги ўлжа сифатида Бағдодга олиб келинган. Ал-Маъмуннинг қўллаб-қувватлаши билан энг сара асарлар танлаб олиниб, араб тилига ўгирилди. Умуман, бу даврда таржимонлик ишлари тўғри йўлга қўйилиб, у яхши ташкил этилган доимий

фаолиятга айланди. Таржимонлар алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлиниб ишлаганлар; ҳар бир гуруҳни албатта малакали, моҳир таржимон бошқарган ва сўнгги таҳрир учун ушбу шахс масъул бўлган. Таржималар, одатда, юнон тилидан сурёний тилига, сўнгга араб тилига, баъзан эса юнон тилидан тўғридан-тўғри араб тилига ўгирилган. Аксар ҳолларда, таржималар китоб матнларининг асли билан таққослаб амалга оширилган. Ҳар бир таржимонлар гуруҳи таркибида матн кўчирувчи ва китобларни муқоваловчи мутахассислар бўлган. Бинобарин, ал-Маъмун даврига келиб, «Байт ал-ҳикма» таркибида йирик кутубхона, таржима ва асарлар ёзиш, кўчирувчилар ҳамда муқовалаш учун ажратилган маҳсус хоналар мавжуд эди.

Фалсафа илми миллий, умуминсоний қадрият бўлиб, мазкур қадрият инсон ўзини ўзи инсон сифатида таниган кунидан бошлаб такомиллашиб, ривожланиб, чуқурлашиб, мураккаблашиб, ва тобора илмийлашиб бораётган фандир.

Фалсафанинг моҳияти – бу «олам-одам» тизимидаги умумий муаммолар устида фикр-мулоҳаза юритишдан иборатдир.

Фалсафий билимларнинг мазмуни, ўз ичига соғлом фикрни жамлаб, ҳодисаларнинг энг муҳим сабабларини билишга ва улардан кундалик амалий фаолиятда фойдаланишга қаратилган бўлади.

Фалсафа сўзи қадимги юнон тилидан фанга кириб келган атама бўлиб, айнан сўзма-сўз маъноси «пҳилио-севаман, сопҳиа-донолик; яъни доноликка муҳаббат демакдир. Қадимги юнонларда бу сўз «тушунишга интилиш», «билимга интилиш» деган маъноларни ҳам англатган [4:5].

«Философия» атамаси ва у ифода этадиган билимлар мажмуи қадимги Юнонистон ва Римда эрадан аввалги VII-III асрларда юз берган буюк юксалиш натижаси сифатида юзага келган. Ўша даврда эндигина шаклланиб келаётган назарий фикрнинг ифодаси фалсафий тафаккур оламини яхлит ва бир бутун ҳолда тушуниш мужассамига айланган.

Қадимги Юнонистонда «Философия» атамасини дастлаб, математика фани орқали барчамизга яхши маълум бўлган, буюк аллома Пифагор қўллаган. Европа маданиятига эса,

у буюк юнон файласуфи Афлотун асарлари орқали кириб келган.

Шу тариқа, у аввало, қадимги Юнонистонда алоҳида билим соҳасига, тўғрироғи, «фанларнинг отаси», яъни асосий фанга айланган.

Ислом фалсафаси – умумий маънода Ислом дини маданияти ичида шаклланган ва Ислом ўлкасида яшаб ижод этган мусулмон файласуфлари томонидан яратилган фалсафани ифода этади.

Дастлаб, Ислом маданияти тарихида ўрта асрларда «фалсафа», «ҳикмат» иборалари кўп ишлатилган бўлсада, кейинчалик Ислом маданиятидаги фалсафа тушунчасини ифода этиш учун баъзилар «Араб фалсафаси» деб номлашган бўлсада, баъзилар «Мусулмон фалсафаси», баъзилар «Исломда фалсафа» деб, баъзилар «Ислом фалсафаси деб таърифлашган. XIX аср ўрталаридан бошлаб илк бор шаклунослар томонидан «Ислом фалсафаси» тушунчаси илмий муомалага киритилди.

Бир томондан Ислом жамияти ичида VIII асрдан юзага чиққан сиёсий, ижтимоий ва диний масалаларнинг тортишуви билан, иккинчи томондан, классик юнон ва эллинистик даврга оид фалсафий матнларни таржима қилинишининг бошланиши ва таржималарда баён қилинган фалсафий фикрларни қиёсий ва танқидий ўзлаштириш билан Ислом дунёсида фалсафа илмининг шаклланиши ва ривожланиши учун замин ҳозирлади.

Ислом маданиятида файласуф деб, юнон илмлари билан, хусусан, мантик, табиатшунослик, илоҳиётшунослик, ахлоқ илми ва, айниқса, Арасту ва Афлотун асарлари билан таниш бўлган кишиларга айтилган. Ислом маданиятида қадимги юнон фалсафаси, Пифагор ва Афлотун қарашлари ёки янгипифагорчилик ва янгиафлотунчилик қарашлари Искандария йўлидан мусулмон илмий-маданий марказларига тарқалган ва шу орқали минтақа ҳаётига кириб келган.

Мусулмон оламига юнон фалсафаси ва мантиқ илми илк бора ҳукмронлик умавийлардан аббосийлар қўлига ўтгандан бошлаб кириб кела бошлаган. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди.

Аббосийлар даврига келиб мусулмон ўлкаларининг харитаси низоҳат даражада кенгайиб, турли-туман маданият ва диёнат

вакиллари мусулмонларга араллашиб кета бошлади. Қадим дунёнинг икки маданий қутби бўлмиш Форс ва Рум империяларига тегишли ерлар мусулмонлар қаламравига ўта бошлади. Мусулмонлар кучли цивилизация марказларидан бўлмиш Ҳиндистон ва Хитой билан маданий ва тижорий алоқалар ўрнатдилар. Ислом олами билан бошқа давлатлар ва мамлакатлар ўртасида илмий-маданий алоқа ва борди-келдилар юзага келди. Табиийки, бу ҳолатлар араб ва мусулмон маданиятига ўз таъсирини ўтказиши аниқ эди. Ўзга маданият ва цивилизация вакилларининг фикрий ва ақлий маҳсуллари мусулмон араб дунёсига ҳам нақл қилина бошлади. Баъзи ёзарларнинг фикрича, аббосийлар умавийлардан ҳукмронликни тортиб олгач, ҳукмронлик боқий қолиши ва халқ уларга эргашиши учун мусулмон жамиятига умавийлар бера олмаган нарсани беришимиз керак, деган тўхтамга келадилар.

Умавийлар бера олмаган асосий нарса бу — юнон фалсафасининг араб тилига таржима қилиб, ўрганилмаганлиги эди. Шундан сўнг, милoddан олдинги даврда яшаган Платон, Аристотел каби юнон файласуфларининг фикр ва ғоялари ҳамда асарлари шунингдек, милoddан кейинги даврда Рим империясида яшаган ва мазкур юнон файласуфларидан таъсирланган Плотин, Порфирий каби неоплатонизм тарафдорларининг асарлари араб тилига изчил равишда ўгирила бошлади. Бу иш икки босқичда амалга оширилди эди. Дастлаб, сурёнийга сўнгра сурёнийдан араб тилига таржима қилинарди. Чунки, Сурёний тили милoddий VIII аср охиригача бориб, араб тили томонидан сиқиб чиқарилишига қадар Яман ва Яқин Шарқнинг асосий адабий тили ҳисобланган. Сурёний тили оромий тилнинг давомчиси сифатида сомий тиллар оиласига мансубдир. Шу жиҳатдан сурёний тили араб тили билан қариндош тил ҳисобланади.

Калом илмининг таназзули давом этар экан Ислом оламида фалсафа бош кўтара бошлади. Албатта, бу жараён бирданига содир бўлгани йўқ. Фалсафанинг тарқалишида калом илмидаги ҳаракатларнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор эди. Калом илми ўзига хос соф исломий илм бўлса ҳам унда бир озми-кўпми фалсафий қарашлар бор эди. Ана ўша омил мусулмонларга бегона бўлган фикрий ҳаракат, яъни фалсафанинг тарқалишига маълум даражада таъсир қилди,

десак, муболага бўлмайди. Ўша даврда Ислом давлати ерларига айланган баъзи минтакаларда аввалдан Юнон, Форс ва Ҳинд маданияти таъсири ўтган эди. Шунингдек, юнон, форс ва сурён тиллари ҳам кенг тарқалган эди. Бунга Искандар Макидонийнинг ҳарбий юришлари қисман омил бўлганди. Раҳо, Насийбийн, Ҳаррон, Жундисобур, Искандария, Антокия каби шаҳарларда юнон фалсафаси тарқалган ва унга оид адабиётлар юнон тилидан сурён тилига таржима қилинган эди.

Мазкур минтақа, шаҳар ва қишлоқлар Ислом ҳукми остига киргандан кейин маълум вақт ўтиши билан у ерлардаги фикрлар, фалсафалар ва илмий манбаълар мусулмонларнинг эътиборини торта бошлади. Араблар ҳам мазкур китобларни ўқишни истади. Ўз-ўзидан, уларни араб тилига таржима қилиш эҳтиёжи туғилди.

Таржима ҳаракати умавийлар ҳалийфалиги вақтида бошланган бўлса ҳам, аббосийлар даврида ўзининг чўққисига чиқди. Таржимонларнинг кўпи араб эмас эди. Бунинг устига, уларнинг ичида мусулмон эмаслари ҳам бор эди. Яна эътибор берилиши лозим бўлган омиллардан бири шуки, китоб таржимаси асосан сурён тилидан араб тилига бўлар эди. Яъни, юнон тилидан сурён тилига аввал таржима қилинган китобларни араб тилига таржима қилинар эди. Юнон тилидан бевосита араб тилига таржима қилинган китоблар жуда ҳам оз эди. Бу эса, таржималардаги дақиқликнинг йўқолишига сабаб бўлди. Умавийларнинг даврида таржима қилинган китоблар асосан тиб ва фалакиёт илмига оид эди. Шу билан бирга, мазкур таржималар шахсий уринишлардан иборат эди.

Аббосийлар даврига келиб таржима ҳаракати авж олди ва тартибга солинди. «Фалсафий фикр тарихи» китобининг муаллифи Самоҳ Рофеъ Муҳаммаднинг таъкидлашича (105-бет), биринчи ва энг машҳур таржимон асли форс бўлган адиб Абдуллоҳ ибн Муқаффаъ бўлган. У ҳинд ҳикмати ва юнон мантиқига катта эътибор берган одам эди.

Аввал у «Калила ва Димна»ни таржима қилган. Кейин Арастунинг мантиққа оид уч китобини таржима қилишни бошлаган. Аммо фақатгина биринчи китобни таржима қилиш билан қифояланган. Бошқа таржимонлар ҳиндларнинг қадимга фалакиётга оид

китобларини, Батламуслиннинг китобларини ва баъзи юнон тиб китобларини таржима қилганлар.

Маъмуннинг вақтига келиб юнон китобларини, хусусан, мантиқ, фалсафа ва фалакиётга оид китобларни таржима қилиш авж олди. Бу ҳаракат давлат сиёсатида айланди. Баъзи кишилар ўзининг таржимонлик фаолияти билан шуҳрат қозонди.

1. Юҳанно ибн Битрийқ.

Бу шахс Маъмуннинг озод қилган қули эди. У Тимовус ва Афлотуннинг суҳбатларини, Арастунинг «Осмон», «Ҳайвон», «Нафс», «Олам» ва бошқа китобларини ҳамда Букротнинг тибга оид баъзи китобларини таржима қилди.

2. Қусто ибн Луқо Баълабаккий.

Бу шахснинг миллати юнон, диёнати масийҳий эди. У юнон, сурён ва араб тилларини яхши билар эди. У Арастунинг баъзи китобларига ёзилган шарҳларни ва Афлотуннинг «Ҳандаса асослари» китобини таржима қилди.

3. Абдулмасийҳ Абдуллоҳ Ҳимсий.

У Арастунинг «Хатолар» китобини, Яҳё Наҳвийнинг Арастунинг «Табиий эшитиш» китобига ёзган шарҳларини таржима қилди. Шунингдек, у Афлотуннинг «Рубубият китоби» номли асарини ҳам таржима қилди. Бу китобни хато равишда Арастуга нисбат берилган эди. Ушбу хато кейинчалик исломдаги фалсафанинг йўналишига сабаб бўлди.

4. Ҳунайн ибн Исҳоқ ва унинг ўғли Исҳоқ ибн Ҳунайн.

Бу икки шахс энг машҳур араб таржимонлар эди. Улар кўплаб юнон китобларини таржима қилдилар.

5. Собит ибн Қурра.

У фалсафа ва таржима билан бирга тиб ҳамда фалакиёт билан ҳам шуғулланар эди. Собит ибн Қурра фалсафа, мантиқ ва тибга оид китобларни таржима қилди.

Юқорида зикр қилинганлардан бошқа таржимонлар ҳам кўп эди. Уларнинг ичида Абу Бишр Мутто Қиноий ва Абу Закариё Яҳё ибн Адий кабилар ўта машҳур эдилар.

Ўша даврдаги илмий ҳаракат тарихини ўрганлар олимлар, жумладан, «Фалсафий фикр тарихи» китобининг муаллифи Самоҳ Рофеъ Муҳаммаднинг таъкидлашича (107 – бет), таржима кўпгина хатоларга йўл қўйилган.

Мисол учун, муаллифининг номи маълум бўлмаган китобларни «Арастунинг китоби» деб аташ одатга айланган. Аввал ҳам айтилганидек, таржима юнончадан эмас, сурён тилидан қилинган.

Араб таржимонларнинг кўплари мазкур тилларни яхши билмаган. Натижада, ўша пайтда сезилмаган бўлса ҳам, кейинчалик аниқланишича, кўплаб китоблар асл муаллифидан бошқаларга нисбат берилган. Арастунинг китоби Афлотунга нисбат берилиши ёки аксинча бўлиши ҳеч гап бўлмай қолган.

Нима бўлганда ҳам, мазкур китобларни катта қизиқиш билан ўрганилди, шарҳ қилинди. Аввал бошда мантиқ, тиб, фалакиёт каби илмларга оид китобларни ўрганиб, уларда дийну диёнатга зарар йўқлиги, аксинча, фойдали нарсаларнинг борлигини мулоҳаза қилинган.

Бора-бора, мазкур китобларга мафтун бўлиш ортиб борган. Кейин эса, худди ўша мафтунлик ила фалсафа ҳамда метафизикага оид китобларга ўтилган ва юнон фалсафасига тақлид қилувчилар кўпая борган.

Юнон фалсафасининг бахтига мусулмонлар ичидан Киндий, Форобий, Ибн Сино ва Беруний каби даҳоларнинг унга қизиқиб қолишди. Уларнинг ўзлари ва шериклари мазкур фалсафани ҳақиқат сифатида қабул қилиб, унга ихлос билан унга хизмат қилишди.

Натижада, яна бир қанча машҳур файласуфлар етишиб чикди. Улардан баъзилари билан яқнидан танишиб олиш фойдадан холий эмас.

Киндий (796 - 873) ўз замонидаги барча илм ва фанларни тўлиқ ва пухта эгаллаган катта ақл соҳиби эди. Шунинг учун ҳам, унинг ёзган китоблари ўн етти турли илм ва фанга оид бўлган. Улар, жумладан фалсафа, мантиқ, сиёсат, ҳандаса, ҳисоб, фалакиёт, тиб ва бошқа мавзуларда бўлган. Киндий асосан фалсафага алоҳида эътибор берган ва шунинг учун ҳам «араб файласуфи» лақабини олган.

Киндий мусулмонлар орасида биринчи бўлиб юнон фалсафасини ўзлаштирган ва китоблар ёзган катта файласуф ҳисобланади. У аввал мўътазилийлар таъсири остида бўлган, кейин эса, ўзи бир неча китобларни таржима қилиб ва бошқа таржималарга раҳбарлик ҳамда муҳаррирлик қилиб, тўлиғича юнон фалсафаси

таъсири остида қолди.

Киндий, шу билан бирга, Исломий муҳитда яшаган дийндор одам ҳам эди. У, ўзича, фалсафа орқали Исломни ҳимоя қилишга уринар эди.

У биринчи бўлиб барча халқлар олами яратган зот борлигига турлича услуб ва шаклда бўлса ҳам ишонишини англаб етди. Аллоҳнинг биру борлигини ақлий йўл билан биринчи бўлиб исбот қилган шахс ҳам Киндийдир. Унгача файласуфлар турли худолар ҳақида фикр юритар эдилар.

Худди шу ақлий йўл билан Киндий Аллоҳнинг сифатларини ҳам исбот қилди. Шу тарийқа Набийлар, олам, нафс, ақл ва бошқа мавзуларда ҳам фикр юритди.

Абу Наср Форобий Ўтрор шаҳрида (Ҳозирги Қозоғистоннинг Чимкент вилояти худудида жойлашган шаҳар) 256-257 хижрий санада туғилди. Унинг отаси ҳарбий саркарда эди. Ёш ва зехни ўткир Абу Наср илмга эрта қизиқди, араб, форс тилларини мукамал даражада ўзлаштирди. Форобий санскрит (қадимий ҳинд тили) тилини ўрганди ва уни яхши биларди. Ўзи туркий халқларга мансуб бўлиб, туркий тилларни яхши билар ва ёшлигида турли тилларни ва илмларни пухта эгаллаган эди. У кўпроқ Бағдодда яшаган. Араб тилини жуда ҳам яхши билар, кўпроқ фалсафа, мантиқ ва дийний илмларга қизиқар эди.

Форобий турли илмларни яхши ўзлаштирган мавсуъий олим эди. У, фалсафа, мантиқ, илоҳиёт, ахлоқ, сиёсат, фалакиёт, кимё, мусиқа ва бошқа илмларга оид ўнлаб китобларни ёзган. Форобийнинг мусиқа бўйича ёзган китоби ислом маданиятида ёзилган энг асосий арабча китоб бўлиб, ҳозиргача асосий манбаълардан бўлиб келмоқда. У «Қонун» номли мусиқа асбобини ихтиро қилган.

Абу Наср Форобий машҳур мутаржим Абу Башир Матта билан биргаликда Арасту (Аристотел) асарларини таржима қилди ва уни доҳиёна шарҳлар ила бойитди.

Шундан кейин унга «ал-Муаллим ас-соний» («Иккинчи муаллим») ва Шарқ Арастуси унвони берилди. Абу Наср Форобий илм истаб Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Ғазна, Ҳаррон, Шом ва яна кўплаб мусулмон шаҳарларида бўлди.

Абу Наср Форобий хижрий 336 йилда Дамашқ яқинидаги қишлоқларнинг бирида вафот этди.

Абу Наср Форобий 260дан зиёд илмий иш яратди. Улардан айримлари куйидагилардир:

«Рисола фи Аъза ил Инсон»,

Рисола фи Аъза ал-Ҳайвон»,

«Рисола фир-Радди ала Жолинус фима Наказа фиха Аристотелис»,

«Китобун фи Арои аҳлил Мадийнатил Фазила»,

«Рисола фил миллатил фазила»,

«Таълийқот»,

«Рисола фи Таҳсилис-Саодат»,

«Рисола уюнул-масоил»,

«Рисола ал-Муфаррақот»,

«Рисола фи Маснил ақл» ва ҳоказо.

Форобийнинг китоблари икки турга тақсимланади. Биринчиси, фалсафа ва бошқа соҳаларда ёзган китоблари. Иккинчиси Афлотун, Арасту ва уларга эргашганларнинг китобларига ёзган шарҳлари.

Баъзи тадқиқотчилар мазкур китобларнинг сони қирқ донага етганини айтадилар. Форобий ўзининг фалсафий фаолиятида Афлотун ва Арасту ҳамда юнон фалсафаси ва Ислом дини тушунчаларини мувофиқлаштиришга қаттиқ уринган. Унинг ўзи дийнини маҳкам тутадиган мусулмон бўлган. Шу билан бирга, у Афлотун ва Арасту мазҳабига ўхшаш фалсафий мазҳабга асос солган биринчи мусулмон файласуфдир. Ўша пайтда Афлотуннинг «ат-Тосуъот» номли китоби таржима қилиниб хато тарийқасида Арастунинг китоби деб билинган эди. Арабчада «Рубубият» номи билан машҳур бўлган бу китобни ўқиган Форобий Арастунинг фикрлари худди Афлотунникига ўхшар эканлигига ҳужжат ва далил топилганидан хурсанд бўлган ва мазкур икки файласуфнинг бошқа китобларини ҳам мувофиқлаштириш учун ҳаракат қилган. Форобий ҳам Афлотунни, ҳам Арастуни бир хилда яхши кўрар ва кадрлар эди.

Шу билан бирга, бу икки шахснинг фикрлари бир-бирига зид бўлишини тасаввур қила олмас эди.

Форобийнинг «ал-Жамъу байна раъйин ал-Ҳакимайни Афлотун ал-Илоҳий ва Арастутолис» – «Икки ҳаким – Афлотун илоҳий ва Арастуларнинг фикрларини жамлаш» деб аталган китоби унинг бу борада олиб борган ҳаракатининг гултожи ҳисобланади.

Форобий ўзининг бу иши ила биринчи бўлиб Ислом оламида Афлотун фалсафасининг

тарқалишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, худди шу ишнинг ўзи мусулмон файласуфларга юнон фалсафасини диний масалаларда тап тортмай ишлатишга йўл очиб берди.

Форобий биринчи бўлиб, Аллоҳ таолонинг борлигига оламни далил қилиб кетирмай, У зотнинг борлигини ёлғиз ақлий далил билан исбот қилишнинг янги услубини келтирди. У бор нарсаларни иккига – вужуди мумкин ва вужуди вожибга тақсимлайди. Мумкинул вужуд дунёдаги мавжудотлар бўлиб, уларнинг бўлиши мумкин бўлганидек, бўлмаслиги ҳам мумкин. Уларга қарасак, баъзилари йўқолиб, ўрнига бошқалари пайдо бўлиб турганини кўрамыз.

Ана ўшалар ўзидан бошқа нарсанинг таъсири туфайли ўзгаради ва алмашади. Уларнинг ҳар бирига алоҳида назар солсак ҳам шу ҳолни кўрамыз. Бу силсиланинг охириги нуқтаси бўлиши керак. Ана ўша охириги нуқта, ҳамма мумкинул вужудларнинг бориб тақаладиган нуқтаси вожибул вужуд – вужуди вожиб бўлган, у бўлмаса бошқа нарсалар бўлмайдиган зотдир.

Форобийнинг фалсафасида Аллоҳ – вожибул вужуддир. Мазкур ақлий далилга биноан, вожибул вужуд куйидаги сифатларга эга:

1. Аллоҳ таолони таърифлаш мумкин эмас.
2. Аллоҳ таолонинг бошқа нарсаларга ўхшаб моҳияти йўқ.
3. Аллоҳ таоло зарурат юзасидан ёлғиздир, шериги йўқдир.
4. Аллоҳ таоло модда эмас. У холис ақлдир. У холис яхшиликдир.

Шунингдек, Форобий оламнинг яратилиши, нафс, ақл, нубувват ва эътиқодга тегишли яна бошқа мавзуларда ҳам фалсафа юритган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, VIII-XII асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар ўз тараққиётининг гуллаб-яшнаган даврини кечирди. Бу жараёнга Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, диний таълимотлар ҳам катта таъсир кўрсатди. Шуниси эътиборлики, Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги ижтимоий-фалсафий фикрлар бир-бири билан

боғланган яхлит жараён сифатида ривожлани ва у фалсафа тарихида “араб – мусулмон фалсафаси” деб номланган таълимотни ҳосил қилишга олиб келди.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида Ғарб учун Шарқ оламига қизиқиш шу даражада кучли бўлдики, баъзи тадқиқотчилар айнан шу даврни “Шарқ ренессанси” яъни, Шарқ классик адабиёти ва илм-фанининг Ғарбдаги ренессанс даври маъносида қўлланилади. XIII асрга келиб, Ғарбий Европа мамлакатлари маънавий ҳаётида перипатетизм таъсири янада ортди. Аристотель таълимотининг Европада тарқалишида Ўрта Осиёлик, арабистонлик, испаниялик олимлар, шунингдек, Шарқ перипатетикларининг роли катта бўлди. Бу ҳақда Гегель ўзининг «Фалсафа тарихи» асрида шундай ёзади: «Арабларнинг Аристотель фалсафаси билан танишликлари шу билан аҳамиятлики, шу йўл орқали Ғарб ҳам бу файласуф билан биринчи бўлиб танишишга эришишди». Дастлаб, европалар Аристотель таълимотини Форобий, Ибн Сино, Ал-Киндий шарҳлари орқали ўрганишган, кейинчалик Аристотельнинг «Аналитика», «Топика», «Сиёсат» каби асарлари Европа тилларига таржима қилинди. Кенг тарқалиб борётган аристотелизм черков ақидаларига қарама-қарши эди.

Ўрта Осиё халқлари маданияти ва маънавияти ҳам Шарқ ва Ғарбни туташтирган қарвон йўлларида жойлашгани сабабли ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданиятидан баҳраманд бўлган. Муҳими шундаки, халқимиз Ғарб ва Шарқ маънавиятидан баҳраманд бўлиб уларнинг ижобий томонларини ўзлаштирибгина қолмай, уларга ижодий ёндашиб янги чўққиларга кўтаришди. Бу фикрнинг тасдиғини маънавиятнинг таркибий қисмлари бўлган илмий билимлар, диний эътиқод, санъат мисолида ҳам кўриш мумкин.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНАБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Abduhalimov B.A. Bayt ul-Hikma and the Scientific Activities of Central Asian Scholars in Baghdad: – Tashkent, 2001.
2. Xayrullayev M.M. O'rta Osiyoda ilk uyg'onish davri madaniyati. – T.: Fan, 1994.
3. Bulgakov P.G. O'rta Osiyo olimlarining Bag'doddagi faoliyati // Sharqshunoslik FASHI.
4. Buyuk siymolar, allomalar (uch kitob). – T. Meros, 1998.
5. Karimov I., Rustamova M. Falsafa fani tarixi va nazariyasi. – Toshkent, 2006. – B. 5.
6. Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. – Тошкент: И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007. – Б. 70.
7. Ғаззолий. Таҳофут ал-фалосифа / Доктор Али Бумалху таҳрири ва шарҳи остида. – Байрут: Дор ва мактабу-л-хилол, 2002. – Б.19.
8. Хивор ал-Бируний ва Ибн Сино. Абдулкарим ал-Ёфий. – Дамашқ: Дору-л-фикр, 2002. – Б. 54.
9. Ибн Рушд. Таҳофут ат-таҳофут / Доктор Сулаймон Дунё таҳрири остида. – Қоҳира: Дору-л-маориф, 1964. – Б. 101.
10. Fakhry. Some Paradoxical Implications of the mu'tazelite view of Tree will // Muslim World, XLIII(1953). – P. 98.
11. Рахимов М.Х. Антропология Абу Али ибн Сино: автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Душанбе: Институт философии и права АН РТ, 2005.
12. Султонов С.А. Ибн Сина в философской традиции Франции: автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Душанбе: Таджикский государственный педагогический университет им. Садриддина Айни, 2012. – С. 15.
13. Мажмуъат расоил ал-ҳуқамо (لئاسر ؤعومجم). – Тошкент: ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 2385-XI. – Б. 41-42.
14. Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 90.
15. Ибн Сино. Ал-Илоҳиёт / Тақдим Иброҳим Мадкур, таҳқиқ Қанаботий ва Саид Зоид. – Қоҳира, 1960. – 478 б.
16. Абу Али Ибн Сина. К 1000-летию со дня рождения. – Ташкент: Фан, 1980. – С. 91.
17. Файзиходжаева Д. Абу Наср ал-Форобий ва Абу Али ибн Сино мантикий исботлаш ҳақида. – Тошкент: Nishon-noshir, 2013. – Б. 132.
18. Роузентал Ф. Торжество знания: Концепция знания в средневековом исламе. – М.: Наука, 1978.
19. Рудолф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. – Алматы: Фонд «XXI век», 1999.
20. Рудолф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: Имом ал-Бухорий жамғармаси нашри, 2001.
21. Сагадеев А. В. Ибн Сина (Авиценна). – М.: Наука, 1985.
22. Сирожиддинов Ш. Ислом фалсафасига кириш: Калом илми. – Т.: Иқтисод-молия, 2008.